



ЖАМИЯТ

№ 27 (663)
2019 йил
19 июль,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Ватан тупроғин соғинганлар орзуси ушалмоқда

Айни чоғда ҳар биримиз Президентимиз ташаббуси билан Суриядан Ватанга қайтган 156 нафар ватандошимизни алам, шу билан бирга қувонч ва фахр билан эслаймиз. Аламлиси шундаки, уларни ватан хоинига чиқариш ҳам ҳеч гап эмас эди. Қувонч ва фахр туйғуси эса улар бугун яқинлари бағрига қайтгани, ўз иши ва йўлини топиб бораётганидан.

2018 йил 19 сентябрда давлатимиз раҳбарининг «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинган эди. Унда ана шундай алашган фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш орқали уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби белгилаб берилди. Шунингдек, фармон асосида Республика идоралараро комиссияси тасдиқланиб, Ички ишлар вазирлиги комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланди.

Жорий йилнинг 1-ярмида ишчи органга фармон асосида жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб, 33 та муурожаат тушган. Шуларнинг 16 таси фармон талабларига мос келмаган, 8 таси ишчи орган томонидан ўрганилмоқда, қолган 9 таси бўйича тавсиявий маълумотлар тузилган.

2 июль куни ўтказилган Идоралараро комиссиянинг йиғилишида ана шу 9 ки-

шининг муурожаати муҳокама қилинди. Натихада 5 нафар фуқарони жиноий жавобгарликдан озод қилиш, 3 нафарини жиноий жавобгарликдан озод қилишни рад этиш ҳақида хулосалар тузилди.

Инсонпарварлик принципларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг бир нафари (аёл киши)ни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қайта ўрганиш учун ишчи органга қайтарилди.

16 июль куни комиссия йиғилишида жиноий жавобгарликдан озод қилинганлардан бир нафари Туркия давлатидан юртимизга — ота-онаси ва оиласи бағрига қайтди. Яна 4 нафар қолган шахсларни ҳам қайтариш чоралари кўрилмоқда. Қайтганларнинг юз-кўзларида уфуриб турган қувонч кўз ёшларини кўриб, буни таърифлаб бўлмайди. Кечиримли халқимизнинг савобли амаллари мана шундай ишларда намоён бўлади, қалбларни ғурурга тўлдиради. Зеро, энг олий туйғу бу — Ватан туйғуси

Республика идоралараро комиссияси

Мамлакатимиз жадал олиб борилаётган ислохотлар туфайли дунё сиёсий харитасидан муносиб ўрин эғаллаб бормоқда. Бугун кўплаб ахборот порталларининг «нигоҳи» Ўзбекистонга қаратилган. Интернетдаги «қидирув» орқали юборилган миллионлаб сўровларга кўзингиз тушса, жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторига кириш мақсадида туб ўзгаришларни амалга ошираётган Ўзбекистонга қизиқиш нақадар кучаяётганига амин бўласиз.

Нигоҳ. Учта сценарийдан қайси бири?

Келажакни олдиндан кўра билиш қобилияти азалдан қадрланган. Чуқур билим ҳамда унга асосланиб таҳлил ва башорат қилиш салоҳияти зулматни ёритувчи ёғду сифатида қабул қилинган.

Алломалар айтганидек, келажакка нисбатан чинакам саҳийлик бу бутун боримизни бугунги кунга бағишлаш демакдир. Мазкур сўзлар айна дамла Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни аниқ ва тўлиқ ифода этади. Худдики, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар метин пойдевор ва унда саховат ҳамда келгуси авлодларга меҳр-оқибат устун бўлгани сингари...

Хўш, бизни қандай келажак кутмоқда? Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташки-

лотининг экспертлари томонидан демографик прогнозлар ҳақидаги маъруза эълон қилинди. Унда олимлар 2100 йилгача Ер юзида аҳоли сони борасидаги ўзгаришларни башорат қилишди.

Бунда воқеалар бир неча сценарий асосида ривожланиши мумкин экан. Тахминларга кўра, нохуш сценарий бўйича Ўзбекистон аҳолисининг энг кўпайган вақти XXI аср ўрталарига тўғри келиб, 39 миллион нафарни ташкил этаркан, сўнгра аста-секин пасайиш кузатилиб, 2100 йилга бориб 26–27 миллион нафар, яъни ҳозиргидан етти миллион кам инсон қолар экан. Навбатдаги сценарийга кўра, аср охирида ўзбекистонликлар 37 миллион нафарга етади. Ва ниҳоят, воқеалар ривожининг ижобий вариантга биноан, 2057–2058 йилларда Ўзбекистонда 50 миллионга яқин аҳоли яшайди, XXII аср бошида эса кўрсаткич 65 миллион нафарга етади.

Бизни қандай келажак кутмоқда?

Лоқайдликка қарши «эмлаш»

Мазкур тадқиқот хулосалари фикрлаш учун қизиқарли маълумотларни беради. Кўринадики, айна вақтда олиб борилаётган сиёсат натижалари, ҳатто, бундан бир неча ўн йиллар ўтиб туғилладиган авлодлар учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий соҳанинг тараққиёт даражаси миллионлаб янги инсонлар дунёга келиши ёки келмаслигини белгилаб беради.

Шуларни ўйлар эканмиз, мамлакатимизда айнан ҳозир, шу паллада юз бераётган воқеаларнинг қадр-қиммати кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу билан бирга, барча ислохотларнинг ташаббускори — давлат раҳбари зиммасига тушаётган улкан масъулият, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг ана шу тарихий жараёндаги дахлдорлиги нечоғли зарур эканини англаб етати.

Бугунги инқилобий технологиялар бундан ўн, йигирма йиллар ўтиб ёки XXI аср охирига бориб ҳаётимизни қанчалик ўзгартириб юборади — буни тасаввур қилишга ожизмиз. Илм-фан тараққиёти шу қадар тезлашдики, воқеликни буткул ўзгартириб юборди. Келажакда нафақат меҳнат қуролилари ва усуллари, бино, иншоот ҳамда транспорт, турмуш тарзи, балки одамларнинг ўзи, қиёфаси, мулоқот шакли, тафаккури умуман ўзгаради.

Хўш, янги тамаддун вакиллари орасида ўзбекистонликлар нимаси билан ажралиб туриши мумкин? Улар йиллар оша қайси анъаналарни келажакка олиб ўтадилар? Роботлар ва космик саёҳатлар оламида уларни қайси қадриятлар бирлаштиришга қодир?

Давоми 2-саҳифада ►►

ҚИСКА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 18 июль куни Сирдарё вилояти Ховос туманига ташриф буюрди.

Бизни қандай келажак кутмоқда?



«Бошланиши 1-саҳифада»

Давр ўзгаришлари аро синчков назар ташласак, юқоридаги саволларга жавоб топа оламиз. Яъни булар — халқимизга хос инсонпарварлик, саховат ва мурувват, ўзаро ҳурмат! Ушбу фазилатларга ҳатто глобаллашув, янги технологиялар ҳам салбий таъсир кўрсата олмастлигига шубҳа йўқ.

Президент Мирзиёевнинг ташаббуси азалий қадриятларни унутиш эмас, аксинча, мустаҳкамлаш, ҳар бир инсон қалбига, ёшларга сингдиришни ўргатмоқда. Айниқса, муаммоли, мураккаб вазиятга тушиб қолганларга давлат томонидан кўмак кўрсатилаётган шароитда бу жуда зарур.

Масалан, эҳтиёжманд инсонларни уй-жой билан таъминлаш тизимида равишда давом этипти. Ногиронлиги бўлган шахслар, ота-онаси йўқлар, ёлғиз оналарга давлат бу масалада ёрдам бериши мумкин. Шундай экан, улар қалбида пайдо бўлган умид учқунини ўша азалий қадриятларимиз, меҳр-мурувват ва саховатни янада кучайтиришга олиб келади.

«Меҳр» деган сўз яқинда давлатимиз томонидан амалга оширилган янги хайри тадбирнинг рамзий номига айланди. Муборак Рамазон ойида Президентимиз топшириғига кўра, 156 нафар ўзбекистонлик аёл ва бола Яқин Шарқдаги қуроли мажоролар ўчоғидан махсус авиарейс билан Ватанга қайтарилди. Ёт гоьларга ишониб, юртини тарк этган ва тақдирнинг оғир синовларини бошидан кечирган юртдошларимизга тиббий, руҳий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч-осойишта ҳаётга қайтиши, жамиятга мослашга кетиши, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун шароит яратилди. Уй-жой, иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Буларнинг бarchиси халқро таъминотлар эътирофига сабаб бўлди.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистон раҳбариятининг шу мамлакат фуқаролари ва уларнинг фарзандлари бўлган болалар учун жавобгарликни зиммасига олиш ҳақидаги қарорини, улар фуқароларни йўқ шахс бўлиб қолмаслиги чораларини кўрганини олқийлайди, — деди ушбу халқро таъминотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саана Граумани.

Бу бир марталик акция эмас. Ўзбекистон ўз фуқароларини ташлаб қўймайди. Давлат алашганларни жазолаш эмас, аксинча, уларга кўмак беришини бошқа инсонпарварлик тадбирлари ҳам тасдиқлайди.

Мана, яқинда хориждан тўрт нафар етим қолган бола қайта-

риб келинди. Уларни экстремистик таъсирга тушиб қолган ота-оналари олиб чиқиб кетишган. Қанчалик мураккаб бўлмасин, ана шу болалар Ватанга қайтарилди. Энди эса давлат ғамхўрлиги остида бўлишади.

Тан олиш керак, айрим кишилар чет элга чиқиб кетганларни қайтариш учун нега шунча маблағ ва куч сарф қилинса керак, ахир мамлакат ичкарисида ҳам муҳтожлар кўп, деган фикрга ҳам бориши. Бу эса, юксак инсонпарварлик намунасининг чуқур мазмунини англамаслик натижасидир. Одамни хатоси учун кечириб, унга таъна қилмасдан, яхшиликка ундашнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти жуда катта. Бу гўзал аъёнларимизни яна бир бор эслатиш, образли қилиб айтилган бўлса, лоқайдликка, инсон тақдирини нисбатан бепарволикка қарши «эмлаш» деганидир. Халқимизда кечиримлик фазилатлари шакланган ва у, албатта, кейинги авлодларга ҳам ўтади.

Миллиондан 18 нафар

Даврлар ўтаверди, лекин «Жаҳолатга қарши маърифат» иборасида муҳасам бўлган жиддий ташаббус ўз аҳамиятини йўқотмайди. У икки йил аввал БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан янграган эди. Қисқа вақт ичидаёқ уни ҳаётга татбиқ этиш ўз мевасини бера бошлади. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ёндашув нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон учун фойдали.

Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммитида маъруза қилар экан, динларро ҳамжиҳатлик, маърифат ва ўзаро маданий алмашинув масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш тақлифини киритди. Бунда Самарқанддаги Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази самарали пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Пойтахтимиздаги ана шу маънавият масканида олиб борилаётган курилиш ишлари билан танишар экан, давлатимиз раҳбари Ислам цивилизацияси маркази мазкур мавзуда тадқиқот юритувчи муассасалар учун фундаментал база бўлиши, у орқали биз халқимизнинг фан, маърифат ва маданият ривожига қўшган ҳиссасини акс эттирмоқчи эканлигини айтди.

Маънавият, дин ва уни ўрганишнинг нақадар муҳимлигига батафсилроқ тўхталиш

жоиз. Айрим файласуфлар маърифатни ўз фикридан кимнингдир кўрсатмасисиз фойдалана олмасликка қарши восита, яъни мустақил, бирор гоьга қарам бўлмаган тафаккур, деб таърифлашади. Шундай экан, маърифат жоҳилият ва радикализмга, таркидунёчилик ва бир томонлама фикрлашга қарши тура олади.

Бундай ёндашув қанчалик таъсирчан? Ундан кенг фойдаланиш катта ижобий натижа беради ва баъзи ОАВ ҳамда сохта таҳлилчиларнинг Марказий Осиёни аҳолиси радикаликка, зуравон экстремизмга берилган ҳудуд сифатида баҳолашини рад эта олади. Аслида вазият бутунлай бошқача-ку.

Интернет-сиёсат фуқаролик ташаббуси ташкилоти Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида аҳолиси радикализмга энг ружу қўйган мамлакатни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказди. Натижалар шуни кўрсатдики, Бельгияда ҳар миллион нафар аҳолидан 689 нафарда экстремистлар таъсирга тушиб қолиш эҳтимоли кучли экан. Бундай кўрсаткич Буюк Британияда 204 нафарни ташкил этса, Ўзбекистонда ҳар миллиондан фақат 18 киши ўта радикаллар «тўри»га илиниши мумкин экан.

Бундан келиб чиқадики, ўрта ҳисобда диний таълимот масаласида Антверпен ёки Брюггеда яшовчи одамларга нисбатан Ўзбекистонлик 25 марта кўпроқ билимга эга экан. Ёки қайси таълимот тўғри-ю, қаррада экстремистик қарашлар мавжудлигини ажрата олиш қобилияти бизда Британия фуқароларидан кўра 8 баробар ортқ экан.

Ушбу кўрсаткичлар АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг яқинда берган баёнотида янада яққол акс этди. Яъни у Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги вазиятни яхшилади ва алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарилди, деб айтди.

Қўшма Штатлар ташқи сиёсат идорасининг раҳбари Ўзбекистоннинг бу бордаги ютуқларини санар экан, ўтган йили мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигини ривожлантириш бўйича «Йул харитаси» қабул қилингани, шунингдек, бир ярим минг диний маъбуслар озод қилингани ва диний қарашлари сабабли «қора рўйхат»да турган 16 минг киши мамлакат ташқарисига чиқиш учун рухсат олгани каби далилларни келтирди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида кейинги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида сезиларли ривожланишга эришгани тўғрисида Европа Иттифоқининг ташқи ишлар

ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини ҳам айтиб ўтди.

Кўриб турганимиздек, таққилар воситасида эмас, балки билимларни кенгайтириш, ўз устида ишлаш учун имкониятлар яратиш орқали кўпроқ натижага эришиш мумкин экан.

Тараққиёт учун тинчлик зарур

Айни вақтда ҳам, XXI аср охирида ҳам Ўзбекистон тақдирини қўшни мамлакатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ривожланиш тинчликни талаб қилади. Шу боис республикамиз атрофда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суришидан манфаатдор.

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг июнь ойидаги мажлисида ҳудуд барқарорлиги кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан белгиланади, деб таъкидлади. Яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Доҳада бўлиб ўтган анжуманда Афғонистондаги осойишталик бўйича қабул қилинган Тинчлик ҳақидаги қўшма резолюцияни қўллаб-қувватлашини билдирди. Бунда мамлакатда узоқ кутилган тинчлик ўрнатилиши фақат Афғонистонликлар томонидан, Афғонистон халқи раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим, деб эътироф этилди.

Ўзи ва минтақа келажакни ҳақида қайғураётган Ўзбекистоннинг жанубий қўшнисини — Афғонистонда вазият ўнгиланиши, тинчлик жараёни бўйича ташаббуслари, шунингдек, минтақалаги бошқа давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саяё-ҳаракатлари жаҳон ҳам-жамияти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Минтақамиз тобора барқарор, иқтисодий жиҳатдан ишончли ва келажакни башорат қилиш имконияти бўлган ҳудудга айланиб бормоқда. Шавкат Мирзиёев қайл этганидек, бу ҳолат кенг доирадаги ҳамкорлик учун, энг муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун қулай ва ноёб имкониятларни очиб беради. Британиянинг «The Economist» нашри мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги мақолада Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётидаги

ижобий силжишларни эътироф этиб, уларнинг ҳар бири аҳоли фаровонлигига эришиш учун йўналтирилганини қайд этди.

Д а р ҳ а қ и қ а т , Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати йигирманчи ялпи мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиёт соҳасида бозор механизмларини тобора чуқур жорий қилиш, хусусий мулк ва тadbirkorликни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш, замонавий ишлаб чиқариш объеклари ва инфратузилмани ташкил этишга устувор аҳамият қаратилади. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаб ҳамда олий таълим муассасалари қуриш, шифохоналар, маданият, санъат ва спорт иншоотларини бунёд этиш — ҳуллас, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимлар фаолиятининг бош мезонига айланди.

Американинг сиёсий журналистикага йўналтирилган «The Daily Signal» англо-американ веб-сайтининг ёзишича, Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси қонун устуворлигини ўрнатган ҳолда ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий ривожланиш, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш мақсадида «Йул харитаси»ни рўёбга чиқармоқда. Наһрада қайл этилишича, Ўзбекистон етакчиси республиканинг гуллаб-яшнаши учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи ислохотларни амалга оширяпти.

Юртимизда ҳукм сураётган бунёдкорлик шиддатига эътибор берилса, тараққиёт муқаррарлигини яққол тасаввур қилиш мумкин. Мамлакатдаги тинчлик муҳити, барқарорликка эришиш учун интилиш, дунёга очкилик сиёсати, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада уч йилдан камроқ муддат ичида қўлга киритилган ютуқлар замонавий Ўзбекистоннинг ташриф қоғонага айланди. Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз келажак ҳақидаги энг дадил ва оптимистик сценарийлар бир кун келиб реал воқеликка айланади.

Ўткир РАҲМАТ
Манба: «Халқ сўзи»



Ўзбекистонда «Президентнинг 1000 нафар ёш кадрлари» лойиҳаси ташкил этилади. Бу вазифа 2019-2020 ўқув йили учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

Буюк ипак йўлидан Шарқдан Ғарб, Ғарбдан Шарқ мамлакатларига юртимиз сарҳадларидан ўтган савдо карвонларида ҳисобсиз товарлар олиб ўтилган. Бугунги кунда ҳам бу каби алоқаларнинг мақсад ва вазибалари деярли ўзгармаган, балки улар замонавий кўринишда янада такомиллашган. Жаҳон тараққиёти мана шундай алоқаларнинг мустақамлиги асосида таъминланган.

Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар алоқалар бугунги кунда жаҳон андозаларига мос равишда йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш керакки, Тошкент билан Шанхай, Сиань билан Самарқанд шаҳри, Шэньси билан Самарқанд вилоятлари ўртасидаги дўстлик алоқалари халқларимиз ўртасидаги қадимий ижтимоий алоқаларни янада мустақамламоқда.

Жорий йилнинг 24-27 апрель кунлари «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида иштирок этиш учун Юртбошимизнинг амалий ташриф билан ХХРда бўлиши ва давлат раҳбари Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янада янги, замон талаблари даражасида шаклланаётган истиқболларини белгилаб берди. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бирига айланди.

Президентимиз халқаро форумда Ўзбекистон «Бир макон, бир йўл» тапаб-бусини тўлиқ қўллаб-қувватлашини, унинг кенг қўламда амалга оширилишини алоҳида таъкидлаган эди. Ўз навбатида, Хитой Раиси ҳам Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари ҳар иккала мамлакат ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига катта ишонч билдирди. Хитой жаҳон бўйича ҳайдалиб экиладиган ерларнинг атиги 7 фоизига эга бўлишига қарамай, Сайёрамиз аҳолисининг тўртдан бир қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Бир вақтлар халқаро ҳамжамият олдида «Хитойни ким боқади?» деган савол пайдо бўлганини эслашнинг ўзи кифоя. Ушанда Хитой раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислари «хитойликлар ўзини ўзи боқа олади» деб далил жавоб қайтаришган. Аграр соҳани тез ривожлантиришга эришгач, галла, пахта, ёғ-мой, мева-сабзавот, гўшт, туҳум етиштиришда жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Хитой ислоҳотларига бошчилик қилган, «Хитой мўъжизаси»нинг муаллифи Дэн Сяопин асарларини кўпроқ ўқишни тавсия этгани бежиз эмас, албатта. Айни пайтда мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни дунё бозорларига олиб

Хитойликлар ўзини ўзи боқа олади

чиқишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Чунончи,

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни юртимизда соҳани ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шугулланганидан ташқироларга қулайлик яратиш мақсадида қонуннинг 30-моддасига асосан, аввалги қонундаги ўсимликлар карантини давлат хизмати органларини юк жўнатилиши кутилаётган кундан олдин хабар қилиш муддати 30 кундан 10 кунга, экспорт қилинаётган маҳсулотни текширув кўригидан ўтказиш учун тақдим қилиш муддати 15 кундан 3 кунга қисқартирилди. Шунингдек, мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида янги моддаларда мустақамланди.

Яратилган бундай ҳуқуқий асослар шубҳасиз, Ўзбекистонда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари дунё мамлакатларига, хусусан, Хитойга ҳозирча тилос, майиз, қовун, анор, узум, лимон ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш имконини берди. «Хитойликлар ўзини ўзи боқа олади» деган умид ва ишончнинг амалга ошгани Хитой халқининг саломатлигига эътиборини кучайтагани ва сифатли истеъмол маҳсулотларига талабнинг ошаётганида кўринади. Бу ўз-ўзидан мамлакатимизда ҳам ана шундай табиий витаминларга бой, экологик тоза маҳсулотларни кўпроқ етиштириш, дунё бозорига унинг харидорлигини оширишга эътибор беришимизни тақозо этади.

Хитойнинг Хенан провинциясидаги Ванбанг Женгжоу шаҳрида 40 минг ква-

Биз-чи?

Бир вақтлар халқаро ҳамжамият олдида «Хитойни ким боқади?» деган савол пайдо бўлганини эслашнинг ўзи кифоя. Ушанда Хитой раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислари «Хитойликлар ўзини ўзи боқа олади» деб далил жавоб қайтаришган.

драт метр майдонда улгуржи савдога мўлжалланган энг йирик озиқ-овқат логистика маркази барпо этилган. Хитой озиқ-овқат бозорининг 37 фоизини эгаллаган ушбу компания вакиллари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида бўлиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, «Озиқ-овқат холдинг»нинг Хитой томони билан чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, кўпайтириш, қайта ишлаш ва қалоқлаш бўйича ҳамда тайёр маҳсулотларни экспорт, импорт ва қайта экспорт қилиш бора-сида 15 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишув имзоланганининг ўзиёқ, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустақам йўлга қўйилганидан дарак беради. Ушбу кели-

шув Хенан Ванбанг Селестед Сушлий Чаин Манажмент Со.Лтд, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Озиқ-овқат холдинг» ўртасида имзоланган. Келишувга асосан, Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарида 10 минг гектарлик ҳудудга логистика марказлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш объектларини барпо этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистондан 100 тонна мош экспорт қилиниши ҳам қўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишида Самарқанд вилояти ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси асосида 2018 йилда ХХРнинг Синзян, Нинсия, Шенси, Шананхи провинциялари билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар минтақаларо раҳбарлари иштирокидаги форумда Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов ҳам иштирок этди ва Чунцин шаҳри ҳокими Тан Льян Чжи билан учрашиб, Самарқанд ва Чунцин шаҳарлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес ҳамда бошқа соҳаларда инвестицияларни жалб қилиш борасида келишув меморандуми имзолади. Юқоридаги провинцияларнинг бизнес ҳамкорлари Самарқандга таклиф қилиниб, улар иштирокида вилоят ҳудудида самарқандлик ҳамкорлар билан бизнес-форумлар ўтказилди. Самарқанд вилоятига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва меваларни қайта ишлашга доир 2 миллиард 130 миллион АҚШ доллари тенг технологик ускуналар олиб кирилди. Хусусан, Ургут тумани Ғус қишлоғида жойлашган «Жамшид ҳосилдор боғлари» МЧЖ агрофирмаси шулар жумласидан. Бу агрофирма ХХРнинг «Алишанков норт анд соут трейдинг со.ЛТД» ва «Сиҳаи тонгшанг (хиамен) трейдинг со.ЛТД» корхоналари билан қарийб 500 минг долларлик майиз, қуритилган ўрик, қовун қоқи, мош, фасол ва бошқа экологик тоза, табиий

ҳолда қуритилган меваларга шартнома қилинган. Хитойлик тадбиркорлар ташриф доирасида Сирдарё эркин иқтисодий зонасида жойлашган «Пенг-Шенг» қўшма корхонасида бўлди. Хитойнинг Ўзбекистондаги энг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган ушбу корхонага 2009 йилда асос солинган бўлиб, унинг муассислигида Сирдарё туманида бир неча ихтисослаштирилган қўшма корхоналар ташкил этилди. Уларда 1500 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг илм-фани тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фақо нуфузини кўтариш бўйича берган топшириқларида қуруқ хомашё етиштириш ва уни қайта ишлаш билангина узокқа бориб бўлмаслигини, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун инновациялар кераклигини, шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши ва таянчи бўлишини алоҳида уқтириб ўтди. Ўз-ўзидан маълумки, бу вазибаларни бажариш учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар керак. Бунинг учун инновацион — томчилагиб суғориш технологияси, замонавий иссиқхоналар ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, агрохимия ва туپроқшунослик, ўсимликлар ген инженерияси, қишлоқ хўжалик соҳаси маркетинги ва менежменти, логистика



бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш лозим.

Яхши мутахассис тайёрлаш учун энг аввало, назарий билим, керак бўлса, уни амалиётга қўллаш учун лабораториялар ва амалий тажрибалар керак. Шунинг учун замонавий лабораториялар, жумладан, ген инженерияси, фитатрон — сунъий иқлим камералари керак бўлади. Энг эллик олимлар ва мутахассислардан олий таълим тизимида кенг фойдаланиш, иқтидорли фарзандларимизни илгор, ривожланган давлатлар ОТМларида ўқитиш зарур. Суғориш тизимида технологияларни яхшилаш, инновацион усулларни қўллаш, мелiorация соҳаси мутахассисларини халқаро андозалар даражасига кўтаришни талаб қилади. Суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган. Шўр қочириш учун мўлжалланган эски зовурлар оқова сувни қисқа муддатларда дренаж қилиш қобилиятини йўқотмоқда. Шунинг учун Сирдарё, Жиззах, Фарғона водийси, Қарши чўли ва бошқа шўрланган ҳудудларда Голландия технологияси асосида ер ости дренаж системасини барпо этиш, шўр сувларни тозалаш технологиясини жорий этиш бўйича мелiorатор мутахассислар тайёрлаш лозим. Ана шунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биз истагандек, сифат ва миқдор жиҳатидан кўпаяди ва давлатлараро савдо-сотиқнинг тез ривожланишига мустақам замин яратилади.

Шодиқул ХОЛИҚУЛОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор



Жорий йилнинг 16 июль куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг янги Сиёсий дастури ва Сайловолди дастури лойиҳалари муҳокамасига бағишлан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳоким бувадан ҳарна, унгани-да, ошна!

472. Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимовнинг Каттакўрғон шаҳридаги сайёр қабулида шунча мурожаат қайд этилди.

Албатта, вилоят ҳокими шунча одамнинг ҳаммасини эшитди, демокчи эмасман, у кишининг ёнида вилоят прокурори, ДХХ бошлиғи, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Каттакўрғон шаҳри ва тумани ҳокимлари ҳам одамларнинг мурожаатларини тинглади. Бундан ташқари, бу ерда ҳозир бўлган вилоят судлари раислари, МИБ раҳбари, солиқ, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, сувоқова, электр, газ, сув ва бошқа идоралар раҳбарлари ҳам ўз соҳаларига тегишли бўлган мурожаатларни «ҳокимга етказмай» ҳал қилишга ҳаракат қилишди. Шунча мутасадди бўлса ҳам вилоят ҳокими 100 нафардан ортиқ одамни шахсан эшитиб, кўп муаммоларини ё жойида ёки ечимини кўрсатиб, тегишли мутасаддиларга уни ҳал қилиш борасида аниқ топшириқлар берди. Олис ҳудудларни ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўллارни асфальтлаш каби бир қанча талабларни шахсан ўзи ҳал қилиш учун қабул қилди.

Мен эса бунақа қабулларда одамларни ўрғанаман, қизиқ характерларни кашф қиламан. Одамлардаги кейинги ойларида рўй бераётган ўзгаришларни кузатаман, хулосалар қиламан. Каттакўрғонда ҳам мени ажаблантирган ҳолатлар бўлди...

...Уша аёл яна келди! Онаси билан. Бошқа тумандан. Менимча, энди бу аёл вилоят ҳокими сайёр қабулини Шимоллий Кореяда ўтказса ҳам борадийёв. Яна ўша гап: бер, бер, бер! Вилоят ҳокими дастлабки қабулларда унинг бечораҳолиғига ачиниб, бир-икки идора раҳбарларига «Ёрдам беринглр, қийналиб қолибди», деган бир оғиз гапи билан туман ҳокими ўн миллион сўм ёрдам берди. Аёл яна келди. Уйини таъмирлаб беришди. Аёл яна келди. Хотин-қизлар раҳбари «тўлиб-тошиб» борди. Аёл яна келди. Бир оилага бериш мумкин бўлган ҳамма нарсани беришди. Йўқ, аёл келаверади, бер деярди...

Яна бир аёл келган. У ҳам бошқа тумандан. У ҳам бер, дейди. Вилоят ҳокими ўша туман хотин-қизларининг «катта»сини чақирди. У ҳам борини айтиб қўя қолди.

— Ҳоким бобо, ўлай агар, қизимга шунча сеп қилмайман, бу кишига олиб бориб берган нарсам бир «Камаз»га сигмайди! Иш сўрайди, аммо ишлагани истамайди, эллик ерга ишга қўйдим, биттасига ҳам кўнгил қўймади, ўз ўрнини берайми?

— Эрингиз борми? — сўради вилоят ҳокими.

— Эрим бўлса, шундай юрармидим, қайси туманга борсангиз, орқангиздан чопиб? — деди аёл.

— Ҳа, бу аёлдаги муаммоларнинг ечими бошқа жойда экан, — деди ҳоким. — Бунинг муаммоларини биз адо қилолмаймиз...

Бир ёш аёл малака оширишга борибди. Пуллик экан. Бир миллион сўм. Шуни тўлаб беринг, дейди. Эри бор, ота-онаси бор, ака-укаси бор. Одамлар майдалашаяпти. Олдин 50-60 миллион сўрашарди, энди бир миллионни ҳам ҳокимдан ундирмоқчи бўлишяпти.

— Менинг ҳам бола-чақам бор, — деди ҳоким. — Сизларнинг миллионларингизни тўлаб бераверсам, рўзго-

римни қандай боқаман?

Тўртинчи ҳолат. Бир йигит уйини таъмирлаб беришларини сўради. Сопна-соғ. Хаёли ҳам жойида. Оёқ-қўли бутун. Тавба, нимага унинг уйини бошқалар таъмирлаб бериши керак экан? Ортидан эргашиб, ўзига шу саволни бердим.

— Уйим ана, — қўли билан нарироқдаги уйни кўрсатди йигит. — Қарасам, ҳамма йиғилиб ётибди. Нима гап экан, деб чиқиб келсам, ҳамма ҳокимдан бир нима ундириш пайида экан. Навбатга турдим. Навбатим келгунча оғзимга келгани шу бўлди, уйини таъмирлаб беришларини сўрадим. Шунчаки, қизиқчиликка сўрадим, аммо ёрдам берамиз, дейишди. Ҳоким бувадан ҳарна, унгани-да, ошна!

Бир ўқитувчи келди. Жизмонсойдан. Асабий. Гаплашганида биров билан урушаётгандай, лаблари учиб гапирди. Аввал ҳам кўрганман. Ҳар келганида аниқ кимнидир ишдан олишларини талаб қилиб келади. Бугун ҳам Жизмонсой тарафдаги мактаблардаги битта ҳам ўқитувчи талабга жавоб бермаслиги, ҳаммасининг билими пастлиги, директорлар қариндошларини ишга олгани, мактаблар таъмирланмаган, ҳаммасини ўт босиб ётганини айтиб, вилоят ҳокими ишдан олиши шарт бўлган директорлар рўyxатини ҳоким қўлига тутқазди.

— Охири Жизмонсойдаги ҳамма мактабда сизнинг бир ўзингизни

қолдирамиз, шекилли? — деди вилоят ҳокими, аммо барибир шикоятни ўрганишни туман ҳокимига шахсан юклади.

Вилоят ҳокими аввалбошдан «Эринг боринг, азамат ўғилларинг, ака-укаларинг боринг уй сўраб келма, текин уй йўқ», деб эълон қилишига қарамасдан, худди ана шунақа аёл-

ҳокимга айтган дардларини атрофда бўлган бошқа раҳбарларга ҳам бирма-бир айтиб чиқишди. Буни мен ўзимча баҳоладим. Фанда қувватхўрлик деган тушунча бор. Бир тоифа одамлар ўз дардини бошқаларга айтиш билан бошқаларнинг қувватини сўриб олади. Ўзлари эса, қанча кўп одамга дардини айтгани сари шун-



лар текин уй сўраб, кўплаб мурожаат қилмоқда. «Арзон уйлрдан берамиз, дастлабки тўловини тўлайсиз», дейилса, «Дастлабки тўловини тўлашга ҳам қурбим етмайди», дейишади. «Майли, дастлабки тўловини ўзимиз тўлаб берамиз, қолганини тўлайсиз», дейилса, «Қолганини қандай тўлайман?» дейишади. Тавба, текин уй шунчалик кўпми? Қерда ўша текин уй, мен ҳам битта олайи?!

Текин уй сўраётганларнинг кўпчилиги эрининг ишқамаслигидан, ношудлигидан нолийди. Бугун ҳам биттаси эри олти ойдири, Россияда экани, пул юбормаётганини айтди. Мана шунақа аёлларни кузатиб, кўнглимдан бир йў ўтади. «Ҳар бир буюк эркекнинг ортида буюк бир аёл туради», дейди донишмандларимиз. Мен сайёр қабулларни кузатиб, бошқа бир фикрни айтгим келади:

— Қўлини тўзиб келган ҳар бир аёлнинг ортида номерд бир эркек туради!

Биргина аёл ҳеч қандай шикоятни йўқлигини айтиб, кейинги бир йил ичида бўлаётган улкан ўзгаришлар, яхшиликлар, раҳбарлар уйма-уй юриб, одамларнинг муаммоларини ўрғанаётгани, кўп муаммолар жойида ҳал қилинаётгани учун вилоят ҳокими ташаккур изҳор қилди. Ва дарҳол кетди!

Бекорга ташаккур изҳор қилган аёл дарҳол кетди, демадим. Бир қанча одамлар вилоят ҳокими билан учрашгандан кейин ҳам кетмади. Шу атрофда юрди. Майли-да, бу бир истироҳат боғи экан, юради-да, Каттакўрғонда сайёр қабул ҳар куни бўлиб ётибди, ёр-дўстларини кўради, дедим. Аммо улар сайил қилишмади,

ча енгиллашиб бораверади. Хусусан, «бер-бер» деб тўймаган она-бола аёллар камида 30 кишига, ҳагто, бегона одамларга, ўзлари каби мурожаат билан бошқа туманлардан келган аёлларга ҳам кўрган-кечирганларини бошидан охиригача айтиб беришганига гувоҳ бўлдим.

Вилоят ҳокимининг сайёр қабуллари нега ташкил этиляпти? Ҳоким фуқароларининг бугуни кечагидан, эртаси бугунидан яхшироқ бўлсин, деяпти. Одамларнинг дардига малҳам бўлай, уларни яқиндан билай, имконим етгунча улар бахтлироқ яшаши учун ёрдам берай, деяпти. Аммо буни суиистеъмом қилаётганлар қанча? Сайёр қабулларга бир нима ундириб қолай, деган ниятда бориш яхши эмас. «Ҳоким бобо, менга имкон беринг, иш ўрни яратаман, халқимга хизмат қиламан», «Имкон беринг, қишлоғимда нимадир кураман», «Халқим учун бир қўлайлик яратаман, мана, лойиҳам бор, шунга ёрдам беринг», деган мард йигитларни кўрмайман. Бўлса ҳам жуда кам.

Энг ачинарлиси, ҳар бир қабул ногиронлик аравачисидаги инсонлар, хусусан, кўзи ожиз, биринчи гуруҳ ногиронларининг мурожаати билан бошланмоқда. Бир неча ёш, қўлига гўдагини кўтариб олган аёлларнинг мурожаати билан бошланмоқда...

Менимча, сайёр қабулга эртага бориши аниқ бўлган инсонлар уйда, оила даврасида яна бир марта «шу ишимиз тўғрими?» деб маслаҳат қилиб оладиган пайт келди.

Каримберди ТўРАМУРОД

Эълон

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани темир йўл касб-хунар коллежи томонидан Жўрабев Исломжон Тохир ўғлига 4463462 рақамли 15.06.2016 йилда берилган диплом ҳамда илова йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газстанинг 2019 йил 12 июль сониди нашр қилинган эълон Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 08.06.2019 йили 731650-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган «AGROPARTNERSHIP» МЧЖ фаолияти ихтиёрий равишда 1 (бир) ой муддатда ТУГАТИЛИШINI МАЪЛУМ ҚИЛАДИ деб ўқилсин.



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчи ва ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва махсус унвонга эга ходимларига мамлакатда ишлаб чиқарилган енгил автотранспортларни сотиб олишга имтиёзли кредитлар берилади.



Чидагин болам-а, чидагин

Болам! Жамиятимизда юртимиз иқтисодиётини пармалаб, ривожланишига тўсиқ бўлаётган, давлат идораларига халқнинг ишончи камайиб боришига олиб келаётган порахўрлик камаяптимики-а? Қачон камаяркин? Камаярмики-а? Ахир, бу ҳақда бутун бошли қонун қабул қилинди-ку! Коррупциянинг камайишида фақат қонуннинг кучи етмас экан-да! Бунда халқнинг турмуш тарзи юксалиши, топиш-тутиши яхшиланиши, турли тўловлару жарималарнинг халқ ҳаётига мос бўлишиям шарт экан!

Ўғлим! Жамиятнинг айрим қоидаларига тишим ўтмайдими ё умуман тушунмайманми, ишқилиб, ғалати ишлар олдидо доим лол қолаверман. Яқинда бир шумхабар эшитиб, жуда бошқача бўлиб кетдим. Ўзбекистон «Лукойл» компанияси билан 600 миллион доллар қарз бўлиб қилибди. Бунга ҳеч қандам сиздирилмадим. Қанақасига, ўз еримиздан қазиб олинган ўз газимиздан ўзимиз бировларга қарз бўлиб ўтирсак-а! Ғалати ишлар! Жорий йил 21 июнь кунин Сенатдаги чиқиш вақтида бу масалани Президент танқид ҳам қилди: бунда миллий манфаатлар ҳисобга олинмаган, ҳисобга олинмиши керак, деди.

Биласан, мен, онанг ва сен бир хонали уйда яшаймиз. Аммо бизникида 6 киши доимий рўйхатда туради. Ижарала яшаган сабабли касбдош дўстим, яъни бобонгнинг оиласини ҳам бағримизга прописка қилганмиз. Яхшилик қилиш яхши-ю, аммо бу ҳисоблагичи коммунал хизматлари тўловларида муаммо келтириб чиқарди-да. Қизини, бизникида фақат рўйхатда турадиган бобонгнинг оиласи учун ҳам ҳисоблагичимиз йўқ газ ва «мусор» учун одам бошига пул тўлаш талаб этиларкан.

Уйимиз иссиқ сув тизими-га уланмаган. Сувни «калонка»да ўзимиз иситамиз. Шу сабабли ҳисоблагичи йўқ газ учун киши бошига 15 минг сўмдан тўлашга тўғри келарди. Пропискада одам кўпайгани сабабли энди ойига 90 минг сўмдан тўлашимиз керак бўлди. Биргина газнинг ўзига. Бошим қотди. Бу оилавий шароитимга сал оғирлик қиларди. Бу бошқа томондан мен учун ҳам, дўстим учун ҳам емаган сомсага пул тўлашдай гап эди. Газчилардан, «мусор»чилардан: «Ахир, дўстимнинг оиласи бизникида яшамаса, нима учун улар газга, «мусор»га пул тўлаши керак?» деб сўрасам, улар: «Унда ижарада яшаётган жойидан газга, «мусор»га тўлаётгани ҳақида маълумотнома олиб келсин!» деди.

Ҳамкасбим 2 хонали ижара уйда 120 доллар пул бериб яшайди. Табиийки, унинг газ ва «максустрас»га тўловлари ижара ҳақининг ичида. Уларнинг ишлатган гази ва тўққан «мусор»ига ҳақ тўлаганлик ҳақидаги маълумотномани эса олишнинг иложи бўлмади.

Уйимизда «одам» кўпайча, «тумангаз»га мурожаат қилганим, аммо унинг аввалги эгаси сувни, газни балконга чиқариб, уйни икки хонали қилгани боис, газчилар: «Газни ичкарига киритамиз, кейин ҳисоблагич ўрнатамиз» деганди. Бунга эса анча пул керак эди. Шунинг учун ҳам ушбу муаммони бир-икки ой орта суриб келдим.

Болажоним, охири бўлмади. Хуллас, ҳисоблагич ўрнатмасам бўлмас, деб, «ту-

мангаз»га яна бордим. Газчи йигитлардан бири таклиф берди: ҳисоблагични хоҳласангиз www.schetchik.uz сайтидан олинг, хоҳланг ўзимда бор, деди. 349 минг сўмлик СГБ-4,0 Электрон ҳисоблагичини унинг ўзидан 350 минг сўмга сотиб олдим. Ўрнатиши билан 450 минг сўмга тушди. Бобонг ҳам қараб турмади. Гарчи бизникида газ ёқмас-да, пропискала тўқис бўлиб юргани учун ҳам отангга қайишиди ва қарашди.

Уйимизда гарчи рўйхатда 6 киши бўлса-да, 9 ойдан бери уч киши яшасак-да, паспорт столидаги «ПОВВАРТИРНАЯ КАРТОЧКА»дан нусха олиб бормаганим учун «оғзаки» уч киши яшаймиз!» деганимга қарамай, газчилар мендан доим бир киши учун пул олиб қолаверинди. Аввал ўша қоғозни олиб келинг, кейин ҳисоблаб бераман, дейишарди нуқул. У билан бўлиб-бу билан бўлиб, ўша бир парча қоғозни вақтида олиб борганим учун



қарзимиз йиғилиб бораверди. Оиламиз учун ҳам газга ойига 45 минг сўм тўлаш отангга осонмасди. Кап-катта одамлар учун ҳам, ҳали ёшинга етмаган сен учун ҳам теппа-тенг тўлаш адолатдан эмасди ҳам. Чунки сен учун газдан жудаям кам фойдаланардик. Қарагин, мана шу ўринда жамиятимиздаги қоидалар муқаммал эмаслиги кўринибди. Худди ўқувчи ҳам, талаба ҳам, ногиронлиги бор ё пенсионер инсон учун ҳам ойлик йўл чипталарининг нархи бир хил бўлгани каби.

Талаба, ногиронлиги бор киши ё нафақадари инсон учун ойлик йўл чиптаси олиш оғирлик қилмас балки. Лекин ўқувчиларнинг ота-оналарига 83 минг сўмлик «УМ» (ўқувчилар учун — автобус ва метро) ёки 60 минг сўмлик «У» (ўқувчилар учун — автобус) ойлик йўл чипталари олиб бериш осон эмаслиги боис, болаларнинг кўлларига йўлқира учун кунлик пул беришади. Автобусларда кўрамиз, мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари кўпинча йўлқира учун чиптачага пул беролмайди, бераман, 1200 сўмлик ўрнига 500 сўм ё 1000 сўм узатади. Табиийки, «кондуктор» уларга бу учун чипта

бермайди. Чипта берилмаган йўл ҳақи эса давлат газчасига эмас, ўз-ўзидан чиптачи ва ҳайдовчининг чўнтагига кетали. Буям коррупция!

Энди яна газ масаласига қайтсам. Мушкулми осон қилиб берган йигит газдан 537 минг сўм қарз бўлганимизни айтди. Ҳисоблагич ўрнатишга ҳам харажатга тушганимиздан сўнг, «еган-емаган сомсамиз» учун шунча пул тўлаш менга оғирлик қиларди, рости.

Яқинда «Ўзбекнефтьга» АЖ бошқаруви раиси Баҳодиржон Сидиков: «Ўзбекнефтьга» акциядорлик жамияти муаммоларини ҳал қилишимиз учун газ нархини икки баравар оширишимиз керак. Шундагина муаммолар ижобий ҳал этилади. Бу таклифни муҳтарам Президентимизга олиб кирдик. Қаттиқ танбەх эшитдик. Мавжуд муаммоларнинг 20 фоизини тарифлар оширилиши, қолган 80 фоизини давлатнинг молиявий ёрдами орқали ҳал қилинган бўлди», деди.

Болам, нега Президент бобонгнинг бундан жаҳли чиққан? Сабаби, газ нархини икки баравар ошириш халқимизнинг топиш-тутишига мос келмайди.

Билиб қўй! Коммунал тўловларининг нархлари, жарималар халқ даромадидан келиб чиқиб белгиланмас экан, коррупция авж олаверади. Биргина мисол, бизда ривожланган мамлакатлардагидай ўта қиммат саналган — йўл ҳаракати қоидалари бузилганда тўланадиган жарималар кўп ҳолларда ҳайдовчиларга оғирлик қилгани учун ҳам орган ходимлари одамларнинг бир-икки сўм пулини олиб арзонроқ жарималар ёзиб беришини ҳаммамиз билемиз-ку! Масалан, машинасини тўхташ мумкин бўлмаган жойга қўйган касбдошимга камар тақмаганлик жаримаси ёзилганини ўз кўзим билан кўрганман...

Газга ҳисоблагич ўрнатганимдан сўнг оиламизда адолат қарор топти. Энди неча киши пропискада бўлишидан қатъий назар, ишлатган бир метр куб газимизга 320 сўмдан тўлаямиз. Ҳисоблаб кўрдим: уч-човимиз бир ойда тахминан 15-16 минг сўмлик газ сўқаямиз. Аввал ҳам 15 минг сўм тўлаб келганман. Демак, биз давлатнинг ҳақини ноҳақ емадик. Емайлик ҳам.

Шу билан коммунал хизматларидан муаммомиз қолмади, деблмайман. «Максустрас»га уйда пропискада бўлган, аммо яшамайдиган одамларнинг ҳар бирига 3 минг 900 сўмдан тўлаш барибир гарданимизда қолавераркан. Негаки, ахлатга ҳисоблагич ўрнатиб бўлмайди-да.

Болам, яна бир нарсани умуман тушунмайман! Уйни иситиш қурилмаси учун ҳам ғалати тўлов тизими ишлайди.

Баҳорнинг ярми, бутун ёз бўйи ва кузнинг ҳам ярмида ишламайдиган «отопление» учун неча йиллардан бери халқдан тўлов ундирилади. Бундай коррупция бор!

Бу тизим ҳам порахўрлашганини уйимизни олди-солди қилаётганимда билганман. «Иссиқсувчилар»дан нотариуста маълумотнома оламан деганимда уйнинг аввалги эгасидан қолган «мерос» — ошхонадаги «отопление»нинг йўқлиги учун роса бошимизни қотиранди. Охири «макстер» кўшнимиз «сувчилар»нинг каттасидан 150 минг сўмга маълумотнома олиб берганиди. Ўтган йили ошхонага «отопление» ўрнаттирдим.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. Лекин нега мен юқорида санаган муаммолар ҳамон ҳал қилинмапти? Улар ўз номига мос ўлароқ халққа хизмат кўрсатиши керак эди-ку! Шундай бўлмас экан, унда нега ташкил этилди бу ташкилот? Улар нима ишлар билан шуғулланыпти ўзи? Ҳозир вазирликнинг сайтини очиб кўргандим: у ерда 2018 йилда ўтказган йиғилишларининг ҳисоботи турибди. Кабинетдан чиқиб ишлаш талаб қилинганга бунунгунча булар фақат йиғилиш ўтказаяптими? Балки шунинг учун мен айтган муаммоларга ечим топа олмаётгандир-да. Одамлар ичига ораламаса, муаммони қардан ўргансин. Аслида мана шу каби муаммоларни йўқотиш, соҳадаги коррупцияни камайтириш учун ташкил этилмадики янги вазирлик? Сабуларимга кимдир жавоб беришига ишониб қоламан.

Болам, лекин мендаям бир муаммо бор, ёзмасам бўлмайди, виждоним қийналади! Емаган сомсамизнинг 537 минг сўмлик пулини нима қилиндинг денг? Ҳисоблагич ўрнатган йигит: «Қарзингизни ёпиб юборайми, унда мана бунча берасиз», деди. Рози бўлиб қўя қолдим, болам. Бу учун мени кечир, ўғлим! Бизнинг авлоднинг қўли истамаса-да «қон» бўлди. Биз барибир ўзимизни пок сақлай олмадик. Сизларнинг авлоднингиз бизларга ўхшамасми? Сизлар ҳалол еган, ҳалол авлод бўлинг! Янги авлод бўлинг! Тоza жамият кўрини! Токи, у жамиятда қонунлар, қоидалар, тартиблар адолатли, тўғри ишласин, ҳаммаёқ коррупциядан холи бўлсин!

Бизда ҳам Президент бобонг иккинчи йўлни танлади: коррупцияга қарши аёвсиз курашмоқда. Ўзи ишониб катта-катта лавозимларга тайинлаган уч-тўрт нафар «дўст»ни фош қилди, жазолади. Ўзи эса халққа хизмат қилмоқда, халқни яхши яшасин, ҳалқим рўшнолик кўрсин, демоқда. Мамлакатни ривожланган давлатлар сафига қўшишга интилоқда. Бу йўлда эса, аввало, ҳаммамиз бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилишимиз, юртимиздаги коррупцияни йўқ қилишимиз керак бўлади. Сенинг ҳам ушбу сафда бўлишингни жуда-жуда устайман, болам!

Фозил ФАРҲОД



Юридик коллежларига ўқишга киришга талабгорларнинг аризалари 2019 йилнинг 1 июнидан 20 июнигача қабул қилинди. Улгурмаган абитуриентлар ва ота-оналарининг мурожаатлари бўйича ҳужжатларни қабул қилиш муддати жорий йилнинг 17 августигача узайтирилди.




Вилоят ҳокими «очган» эшикни туман ҳокими «ёпди»

Маълумки, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш мақсадида йиллар давомида эътиборсиз қолиб келаётган мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жойларда мактабгача бўлган ёшдаги болаларни қамраб олиш борасида қувонарли ишлар бажарилмоқда. Бунинг натижасида жойларда янгидан янги мактабгача таълим муассасалари қад ростламоқда, мавжудлари капитал таъмирдан чиқариляпти.

Фаргона вилояти Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи олий маълумотли педагог Дилфуза Содиқовага ўзи ёш оналардан бўлгани боис мактабгача таълим муассасасига болаларни жойлаш муаммоси яхши маълум. Шунинг учун Дилфуза оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил қилишга аҳд қилди.

Олтиариқ тумани ҳокимига нодавлат мактабгача муассасасини қуриш учун ер майдони ажратиш беришларини сўраб мурожаат қилганидан кейин қарийб ярим йил у идорадан ушунга югуравериб чарчади. Сўнг 2018 йил август ойида Фаргона вилояти ҳокими Шухрат Фанисевнинг қабулида бўлиб, дуч келган муаммоси бўйича мурожаат қилади. Ниҳоят, вилоят раҳбарининг шахсан аралашуви билан Дилфуза Содиқовага Олтиариқ туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 100 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилиши учун туман ҳокимининг 18.08.2018 йилдаги 2707-сонли қарори билан 1500 квадрат метр ер майдони ажратилади.

Д.Содиқова шу орада яна бир фарзандли бўлади, бироқ шунга қарамай қурилиш ишларини бошлаш учун зарур ҳужжатларни йиғишдан тўхтамайди. Талаб этиладиган барча идоралардан хулосаларни, қурилиш учун зарур бўлган лойиҳа сметаларни тайёрлайди ва мактабгача таълим вазирлигига давлат шерикчилик битимини тузишга



тақдим этади. Вазирлик ушбу жараёнда Дилфуза Содиқовадан яна битта маълумот тақдим қилишини сўрайди. Ушбу маълумотномани олиш учун туман ҳокимлигига 2019 йилнинг май ойи сўнггида мурожаат қилиб, эшитган хабаридан қараёт бўлиб қолади. Маълум бўлишича, 2019 йилнинг 23 апрель кунини 2583-сонли қарор билан Олтиариқ тумани ҳокими Х.Ниёзов экологик хулоса тақдим этилмагани боис ўзининг аввалги қарорини бекор қилган экан.

Ўтган икки ой давомида Дилфуза Содиқованинг бош урмаган эшиги қолмади, бироқ унинг учун барча эшиклар ёпилади, очилган эшиклардаги мутасаддилар эса елка қисадилар, холюк!

— Мактабгача таълим муассаси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарордан бир ойдан кейин хабар топдим. Шундан кейин қаерга мурожаат қилмай на туман, на вилоят мутасаддиларидан биронтаси жўяли жавоб бермади. Айбим нималгини билмайман. Шу лойиҳа ортидан кетган бир йилдан ортиқ умримга, сарфлаган маблағларимга куйиб қолавераманми? Қонунда зарур бўлган барча ҳужжатлар ва ижобий хулосалар қўлимда бўлса, нега ажратилган ерни қайтиб олишди, — дея асабийлашади биз билан суҳбатда Д.Содиқова.

Биз масалага ойдинлик киритиш учун Олтиариқ туман ҳокимлигига бордик. Ҳоким ва ўринбосарларини тополмай, ҳуқуқшуносга учрашиб, муаммо юзасидан изох сўрадик. 20 дақиқаларча сукунат, яна шунча хонада ёлғизликда кутганимиздан сўнг ниҳоят ҳуқуқшунос Ҳожиакбар Содиқов ҳужжатлар тикланган катта папкани кўтариб келди ва олдимизга қўйди.

— Мана қаранг, барча қарорлар тикланган папка! Мана бу эса Дилфуза Содиқова таъсис этган «FUTUREKIDS» нодавлат мактабгача таълим муассасасига 100 ўринли бино қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги қарори, бу эса комиссиянинг далолатномаси, бу эса ённинг хавфсизлиги қарори, бироқ экологик қарор йўқ! Демак, шунинг учун қарор бекор бўлган бўлиши керак, — дейди хотиржамлик билан туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Ҳожиакбар Содиқов.

Биз қўлимизга ер ажратиш хусусидаги туман комиссиясининг далолатномасини кўрсатиб савол берамиз:

— Жуда қизиқ: ер танлаш ва ажратиш туман комиссиясининг 13 нафар аъзоси Дилфуза Содиқованинг аризасини кўриб чиқиб, унга нодавлат мактабгача таълим муассасасини қуриш

учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномадан барча хулосаларни, шу жумладан, ижобий экологик хулосани инobatта олиб, ер ажратиш мақсадга мувофиқ, дея имзо чеккан ҳолатни қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, комиссия аъзолари йўқ хулосани бор дея имзо чексалар?

Орага яна сукунат чўкди. Аниқ жавоб йўқ!

— Балки, бундай хулоса бўлгандир, фақат улар бошқа алоҳида жилдда қолиб кетгандир, аниқлаймиз, хавотир олманг!

Бу туман ҳокимлиги ҳуқуқшуносининг жавоби. Шу ўринда ҳақти саволлар туғилади: Ҳокимликнинг ички ҳужжатларида аниқланган камчиликлар тўлиқ ойдинлаштирилмасдан, нима учун ер ажратиш хусусидаги қарор бекор қилинмоқда? Мақсад нима? Мантиқ қани? Нима учун туман ҳокимлигининг ходимлари хатоси учун нодавлат мактабгача таълим муассасининг ташаббускори сарсон бўлиши керак?

Биз кечкурун Олтиариқ туман ҳокими Х.Ниёзовни бир дақиқага мажлисга кириб бориш пайтида учратиб, ушбу масалага изох беришини сўрадик.

— Очиги, ўша атрофдаги аҳоли мактабгача таълим муассасаси қурилишидан норози бўлгани учун ушбу қарор бекор қилинди. Лекин Содиқова ўзига мақбул жой топса, биз ер ажратиш масаласини яна кўриб чиқамиз, — дея шошиб мажлисга кириб кетди ҳоким.

Қизиқ, тумандаги бўш ерларни олди фуқаро қаердан билинган? Ташаббускор Дилфуза Содиқовага ер қачон ажратилади, ажратиладими ўзи? Туман мактабгача таълим муассасаси керакми? Энг муҳими, Президентимиз мазкур тизимдаги муаммоларни бартараф этиш учун талбиркорларга имконият яратиб бериш хусусида қайта-қайта гапирётган бўлса-да, жойларда нега бундай ҳолатлар кўзга ташланипти? Саволлар кўп, жавоб йўқ! Ўйлаймизми, Фарғонанинг Олтиариқ туманида бўлаётган қизиқ хангомаларни яхшилаб ўрганадиган бирор мутасадди топилиб қолар...

«Ўғлимни қул қилиб сотганлар — ўзимизникилар»

1994 йил. Шавкат Искандаров ўзининг бизнесмен танишлари билан Россиянинг Нижний Новгород шаҳрига товар олиб кетганида оиласи ва яқинлари билан 20 йил кўришолмаслиги хаёлига ҳам келмаганди. Ўз ҳамкорларининг хиёнати туфайли қулликка маҳкум этилган Шавкат ўтган йиллар ичида Россиянинг турли шаҳарларида тутқунликда қолиб кетди. 2014 йилга келиб, соғлигини буткул йўқотганидан сўнг яхши одамларнинг кўмагида тирикчилик ҳақида оиласидагиларни хабардор этди.

— Турмуш ўртоғим сўнгги марта Россияга мол олиб кетаётганида кўнглим қандайдир ношушликни сезганди, — дейди Ш.Искандаровнинг аёли Роҳат

она. — Орадан вақт ўтди. Чет элда ушланиб қолган бўлса кетарак, деган ўй билан ўзимизни овутидик. Аммо дарак бўлавермади. Ноилож, қилдирувга бер-

дик. Россияга ишга кетган таниш ва нотанишлардан суриштирдик. Натижа ижобий бўлавермагач, ўзим ҳам уч маротаба Россияга бориб, турмуш ўртоғимни изладим. Ўша пайтлар жуда қийналдим. Қўлимдаги уч нафар гўлак билан бошимдан кечирганларни душманимга ҳам раво кўрмайман. Ички ишлар ходимлари излаш ўрнига, эримни жиноят содир этиб, қочганликда айблагандек, уйимни пойлашди...

Хуллас, орадан роппа-роса 20 йил ўтиб, турмуш ўртоғимдан хабар келди. Бу пайтда ўғилларим анча улғайиб қолганди. Дарҳол отасини топиб, уйга олиб келишди.

Ҳозир турмуш ўртоғимнинг соғлиги яхши эмас. Эрим беларак кетган пайт мен уни «вафот этган деб топиш» ҳақида ариза ёзсам, унинг номидаги уй-жойни менга ўтказишга ёрдам берди, «боқувчисини йўқотган»

деган нафақа тайинлашларини айтишди. Кўнмадим! Бироқ бир муаммо бор. Келганга 4 йилдан ошса ҳамки, ҳамон паспорт ололмадик. Маҳалла, сектор деганлари неча марта-лаб келиб-кегишди. Бироқ натижа йўқ. Мен моддий ёрдам сўрамаётган бўлсам. Турмуш ўртоғим, атайлаб, чет элда из-сиз шунча йил қолиб кетгани йўқ-ку!

Биз Шавкат аканинг отаси Отаназар ака билан ҳам суҳбатлашдик:

— Ўғлимнинг Россияда из-сиз йўқолиб кетиши ўз хоҳиши билан бўлмаган. Унинг паспортини ўзимизникилар ёқиб ташлаб, кимларгадир қул қилиб, сотиб юборишган. Келишим Роҳатойга раҳмат. Уч боласини оқ ювиб, оқ тараци. Фарзандларини ўзи йўқ бўлса-да, отасига меҳрли қилиб тарбиялади. Шу фарзанд доғида куйиб, мана, беш йилдирки, кўзаларим кўр бўлиб қолди. Хива туманидаги мутасадди ташкилотлар ўғлимнинг паспорт олишига ёрдам беришса бўлгани. Ўғлим ҳозирги кунда тирик бўла туриб, тан олин-

маётгани жуда аянчли. У жуда оғир аҳволда. Ногирон бўлиб қолган.

Биз Ш.Искандаровнинг нима учун 4 йилдан буён фуқаролик паспортни ололмаётгани сабабини аниқлаш учун Хива туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қилдик. Паспорт бўлими бошлиғи меҳнат таш-тилида бўлгани боис ўринбосари Юнус Абдуллаев билан суҳбатлашдик. Бизни тингланган Ю.Абдуллаев бу ҳолатдан умуман хабари йўқлигини билдирди. Шундан сўнг, Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот котиби Зоқиржон Исмоилов билан боғландик. У Шавкат Искандаровнинг па-спортни билан боғлиқ муаммоси тез кунларда ўз ечимини топи-шини маълум қилди.

Биз ҳозирда Ш.Искандаров-нинг Россияда шунча йиллар давомида қулликда бўлиши сабабларини ва унга айбдорларни аниқлаш бўйича журналистик суриштирувни бошладик. Даст-лабки натижалар бор. Мавзуга қайтамиз.

Давлатназар РЎЗМЕТОВ

Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерациясининг навбатдан ташқари IX конференцияси бўлиб ўтди. Унда Инновацион ривожланиш вазирлиги вазири ўринбосари Ойбек Норинбоев федерация раиси бўлди. Конференция иштирокчилари бу номзодни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.



ҚИСКА САТРАЛДАРДА УҚИНИ!

Талабалар учун вилоят ҳокими стипендияси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали очилди. Муассаса таълим стандартларига жавоб берадиган бино билан таъминланди. Мазкур филиалга ҳужжат топшириб, талабалик бахтига мушарраф бўлганларни қўллаб-қувватлаш учун вилоят ҳокими томонидан қатор имтиёз ва рағбатлар жорий этилмоқда.

Вилоят ҳоқимлиги ахборот хизмати таълим маълум қилишича, Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиалида тўлиқ «5» баҳога ўқийдиган талабаларга

вилоят ҳоқимининг махсус стипендияси берилади. «Аъло» баҳога контракт асосида ўқийдиган талабаларнинг контракт тўловлари ҳомиёллар томонидан тўланади.

Маъмурий жарималар миқдори ошади

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда 2019 йил 1 августдан маъмурий жарималар миқдори ошиши ҳақида маълумотлар тарқалмоқда.

Маълумки, қонунчиликка кўра, жарима ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб кўйилган энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Президент фармонида мувофиқ, 1 августдан энг кам иш ҳақининг 10 фоизга ошиши белгиланди. Шунга кўра, турли маъмурий жарималарнинг миқдорлари ҳам шу санандан 10 фоизга ошади.

Бунда жарималар ҳуқуқбузарликлар содир этилган вақтдаги энг кам иш ҳақи миқдори бўйича тўланади. Масалан, 28 июль куни ҳайдовчига транспорт воситасида ҳаракатланишда телефондан фойдаланганлиги учун маъмурий баённома тузилди. 1 августдан жарималар миқдори ўзгаришига қарамадан, мазкур ҳайдовчи 60 кун ичида 28 июлда амалда бўлиб турган жаримани (608 190 сўмни) тўлайди.

Бу йил ОТМга қанча абитуриент ҳужжат топширди?

2019 йил 15 июль куни олий таълим муассасаларининг бакалавриатига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш (рўйхатдан ўтказиш) ишлари якунланди. Бу ҳақида Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов Фейсбукдаги саҳифасида маълум қилди.

Республика бўйича жами 60 та ОТМ ва уларнинг 30 та филиалларига кириш учун рўйхатдан ўтказилди (2018 йилда — 814 минг 952 нафар). Ўтган йилга нисбатан 251 минг 973 нафар ёки 30,91 фоиз кўп ҳужжат топширилган.

Танлов кўрсаткичи — ўртача бир ўринга 10,28 тани ташкил этди.

Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш 90 та ОТМнинг қабул комиссиялари ва 201 та Давлат кизматлари марказларида 4 500 дан ортқ операторлар томонидан амалга оширилди.



Давлат органлари ходимларининг формалари ўзгарди

«Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, қуйидаги вазифаларни бажаришда ҳарбий ва идоравий формали кийим-бош кийиб юриш ҳуқуқи белгиланди:

— тантанали формали кийим-бош — расмий, байрам, тантанали ва халқаро тадбирларда, суд мажлисларида, ОАВ билан учрашувлар ва интервьюларда, шунингдек, ўқув машғулотларида;

— дала формали кийим-бош — ўқув-амалий машғулотлар даврида, фавқулодда вазиятларда, ҳарбий ҳолатда, махсус операцияларни ўтказишда фақатгина Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), Давлат божхона қўмитаси (ДБК) ва Ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан;

— махсус формали кийим-бош — вазифаларини бевосита хизмат хоналарида амалга ошириш вақтида ички ишлар органларининг, шунингдек, ИИВ ва ДБКнинг кинология бўлими ходимлари томонидан;

— идентификация рақамли металл жетони, фарқлаш белгилари ва идоравий рамзлар акс этган махсус жилетларни — Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари ва инспекторлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида.

Мазкур тартиб 2020 йил 1 январгача босқичма-босқич жорий этилади. Давлат органларида кундалик формали кийим-бош кийиб юриш ҳуқуқи фақатгина қуйидагилар учун сақланиб қолинади:

— кундалик хизмат фаолиятида бевосита аҳоли билан ишлайдиган ички ишлар органлари бўлими ходим-

лари; — фаолиятини бевосита божхона постларида амалга оширадиган божхона




на хизмати бўлимлари ходимлари; — бўлимларнинг соҳасидан қатъий назар, ички ишлар органлари ва божхона хизматларининг раҳбарлар таркиби.

ИИВга оммавий ва қишлоқ хўжалиги тадбирларини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш, йўл-патруль хизматининг мунтазам постларидаги хизматни ўташда махсус форма кийиб юришга рухсат этилади.

ИИВ ва ДБК олий таълим муассасалари курсантлари ва тинловчиларига таълим муассасаси ҳудудида ҳар куни дала (камүфляжли) формали кийим-бош кийиб юришга рухсат этилади.

Бундан ташқари, солиқ ходимлари солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ назоратини амалга ошириш ва солиқ қарздорлигини ундириш вақтида идентификация рақамли металл жетонни тақиб юриш қондалари жорий қилинди ҳамда тантанали ва кундалик формали кийим-бош кийиб юриш тартиб бекор қилинди.

Интернет манбалари асосида Бахринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.



«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2019 йил 16 август куни соат 11:00 да Термиз шаҳри «С.Оллоҳёр» кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли тизимидаги 2 иншоотдан иборат фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчалари кўйилмоқда:

1. Кумқўрғон туман Исломобод маҳалласи, ҳудудида жойлашган умумий майдони 974,2 кв.м бўлган 28-сонли ФЭТШ бино иншоотлари мажмуа ҳолида. Бошланғич баҳоси: 43 846 482 сўм.

2. Олтинсой туман Сайрак маҳалласи, ҳудудида жойлашган умумий майдони 1283,41 кв.м бўлган 23-сонли ФЭТШ бино иншоотлари мажмуа ҳолида. Бошланғич баҳоси: 35 835 208 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2019 йил 14 август соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортега, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 12, 27 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдога иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санандан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорига «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закат пули тўлашлари ва закат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар воқолатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83

Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR -0291.



Пойтахтдан Бўстонликка элтувчи йўллардаги фоторадарлар дам олиш кунлари 1436 та тезликни меъеридан ошириш ҳолатини қайд этди. Аниқланган қоидабузарликларни содир этган фуқароларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилмоқда.

Мурувватингизни миннат қилманг!

Бир америкаликнинг ақли заифлар диволанадиган шифохонада ётиб тайёрлаган репортажини ўқиган эдим. У ёзганди: энг оғири – жинилигингни эслатиб турувчи саноқсиз белгиларнинг бўлиши, сенга ашаддий жиннидек муносабатда бўлишлари.

Тадқиқотларда исботланишича, ақлий носогломларнинг онгостида соғлом одамнинг фикрлаши сақланган бўлади. Бундай муносабатни сезганди (мия воқеликни таҳлил қилмаса ҳам) онгостидаги маълумотлар беморда «ор қилиш», «нафсониятига тегиш» сезгиларини уйғотилади ва кўзгалаш кучаяверади. Бундан беморларни қузатган журналист жуда аниқ таҳлил қилиб беради. Шунингдек, беморларнинг соғайиши учун шифохона ходимлари улар билан худди соғлом одам билан мулоқот қилаётгандек гаплашишни йўлга қўйишни таклиф ва талаб қилади.

Болалар уйда бир университет талабалари томонидан ўтказилаётган хайрия тадбирини ёритиш учун борган эдим. Саҳна бор залга олдин кичкиналар, кейин ўсмирлар таклиф қилинди. Кичиклар хурсанд, қанақадир томоша ёки совга кутяпти. Ўсмирларнинг эса таъби тиррик, елкалари букчайган, кайфияти йўқ, айримлари энса қотириб кириб келяпти, оёқлар чалиштирилган, ҳаракатлари нима учундир сохтадек. Аввалига тадбирлар кўплигидан болалар ўзларини шундай туяпти, тадбирбозликдан зеркишган бўлса керак, деб ўйладим, ношукрлар дегим келди, ичимда. Лекин тарбиячи сўзини бошлади ҳамки, ҳаммасини тушундим. У ҳар бир гапига «СИЗГА мурувват қилиб... СИЗГА сахо-

ват қилиб, СИЗГА раҳм қилиб...» деган гаплар билан болаларга кимлар келганини таништирди. Ҳар бир гапига «Сен етимларга яхшилик қилиб» деган маънони уқасан киши, «етимлар» сўзини ишлатмайди холос, «до-о-од» дегинг келади. Ундан кўра, талбир қилма, етимлигини юзига солиб...

Орият, нафсоният деган туйғуларни, ҳатто, ақлини заиф қилиб қўйганлардан олиб қўймаган! Маърифатсиз, маънавиятсизларга «Сен шундайсан» деган муносабатда бўлиш масалани оғирлаштириши ҳақидаги илмий иш хулосалари билан ўртоқлашишсин, агар олим бўлишса. Ҳатто, болага бориб «Эй аҳмоқ, қани, бориб китоб ўқи-чи, зора ақлинг кирса», деб кўринг-чи?..

Майли, ташкил қилсин. Бозорларда кутубхоналарнинг бўлгани яхши. Оналар ўзи ўқимаса ҳам ҳеч йўқ болаларини олиб боради. Уйдаги икир-чикирлардан чарчаганида кутубхонага бориб, бир бет китоб ёки газета мутолаа қилса, бир дам ташвишлардан фориғ бўлади, маънавиятига маънавият қўшилади. Яхши китобларнинг нархи фалон пул бўлган айни пайтда китоб ўқишга иштиёқманд, аммо уни сотиб олишга қурби етмайдиган оилалар учун ҳар томонлама фойдали бўлиши аниқ.

Лекин нега яхшиликлар бундай «Сенлар» деб қўл-

ни бигиз қилиб, миннат билан қилинади? Нега ҳар доим муаммолар дарёнинг нариги қирғогидан туриб гапирилади? Нима учун раҳбарларимизда удлабуронлик йўқ.

Нега оммавий нутқ қилишни, ўзига оғдириб олишни билишмайди? Ундан кўра, раҳбарларимиз учун шундай текин курслар ташкил қилинсин.

«Алоҳида маънавият хонаси ташкил этилади. У ерда маърифий суҳбатлар ўтказилади, кутубхона бўлади. Мана шу жумаларнинг фақат кутубхона бандинигина тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Қуруқ насиҳат (кимга айтилишидан қатъий назар) — энг ўтмас, энг фойдасиз, ҳавога учган вақт ва кучдан бошқа нарса эмас.»

Парвина ОМОНОВА

Сертификатли келин-куёвлар

Сарлавҳани ўқиб, келин-куёвларга қандай сертификат берилар экан, дея ўйлаётгандирсиз? Одатда, биз сертификат маҳсулот, иш ёки хизматларда бўлишига кўниқиб қолганмиз. Аммо бўлгуси келин-куёвларга ҳам сертификат берилиши бор гап. Хўш, аслида бу қандай бўлади? Ушбу ҳужжат қаерда, ким томонидан ва нима учун айнан ниҳоқланувчи ёшларга берилмоқда?



Бу каби саволларга Яккасарой тумани «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ташаббуси билан «Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби» тингловчиларини сертификатлар билан тақдирлаш тадбирида мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Таъкидланганидек, мазкур мактабларда бўлгуси келин-куёвларга диний ва ахлоқий тарбия, оилавий ҳуқуқий муносабатлар, репродуктив саломатлик, оила бюджети ва иқтисодини бошқариш, соғлом турмуш тарзи, миллий кадриятлар, ислом динининг оилани мустаҳкамлашдаги роли ва аҳамияти масалаларида кенг маълумотлар берилмоқда. Яъни, турмуш қураётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали қурилажак оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ажримнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

— Бу мактаб мустаҳкам ва

намунали оилалар кўлайишига сезиларли ҳисса қўшишига шубҳа йўқ, — дейди Яккасарой тумани «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Нилуфар Қодирова. — Бу ерда бўлгуси келин-куёвлар учун оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти, рўзгор ва бюджетини юритиш, оиладаги ижтимоий муҳит, никоҳ муносабатлари, соғлом турмуш тарзи, гендер масалалари, оилавий муносабатларни уйғунлаштириш ва низоларнинг олдини олиш, мулоқот маданияти, ҳуқуқий муносабатлар, оилани идора этиш каби масалалар юзасидан маҳорат дарслари ўтилади.

Тадбирда туманнинг ибратли оилалари ҳам тақдирланди.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Б-ҲАВО	
19 июль	+43°C
20 июль	+42°C
21 июль	+42°C
22 июль	+42°C
23 июль	+40°C
24 июль	+39°C
25 июль	+39°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.



Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-714 Адади: 1403.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табақ. Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 22.55
1 2 3 4 6

Реклама



bong.uz

Энди «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилаётган мақолалар ҳамда юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни bong.uz сайтида ҳам кузатиб боришингиз мумкин.



Бизни ижтимоий тармоқлардан топиңг:
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>
Фейсбук: www.facebook.com/bonguznews



Мактабгача таълим вазирлигига қарашли бино ва иншоотлар Республика маънавият ва маърифат марказига берилди.